



2019 йил «28» сентябр

№ 8121 -К

Urgut sh. – г.Ургут

Ургут туман Дехконобод маҳалласи худудидан танлов голиби Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ургут туман ҳокимлиги томонидан берилган таклифларга биноан Самарқанд вилоят ҳокимлиги томонидан танлов савдосига қуйилган, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали томонидан ташкиллаштирилган, «Танлов савдоларини ўтказиш комиссияси»нинг 2016 йил 26 сентябрдаги 9-сонли баённомасини қуриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 48-бандига қура, Ўзбекистон Республикаси «Ер Кодекси»нинг 6,23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Танлов савдоларини ўтказиш комиссияси»нинг 2016 йил 26 июндаги 9-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ургут туман Дехконобод маҳалласи худудидан Дехконобод агрофирмаси худудининг еридан фойдаланиш харитасида кўрсатилган 149- рақам билан белгиланган контурдаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган эски қурилишлар урни ер майдонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун танлов савдосига қуйилган 1650,0 кв.метр ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш буйича танлов голиби **Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга** доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Танлов голиби **Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга** туман ҳокимлиги билан «Танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида» шартнома тузиш, шартнома мажбуриятларини белгиланган муддатида бажариш, мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, белгиланган тартибда шартнома бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Танлов голиби **Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга** қурилиш ишларини Архитектура қурилиш назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказиб қурилишга рухсат олгандан сўнг қурилиш ишларини бошлаш вазифаси топширилсин.

5.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (И.Жуллиев)га ажратилган ер майдонини тасдиқланган бош режа асосида жойнинг ўзи (натура)да кўрсатиб бериш, далолатнома тузиш ва туман ер хисоботи (баланси)га тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

6.Туман бош архитектори в.б Ф.Ашуровга танлов голиби **Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга** томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

7.Самарканд вилоят ер тузиш ва кўчмас давлат қорхонаси Ургут туман филиали бошлиғи (Б.Умаров)га танлов голиби **Таджиев Абдусаме Абдухамидовичга** ажратилган ер майдонига булган ҳуқуқни белгиланган тартибда Давлат руйхатидан ўтказиш ва бу ҳақида тегишли гувоҳномани тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

8.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари У.Ўроқовга зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

М.Турдиев